



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**



**PROFESSIONAL TA'LIMNI
RIVOJLANTIRISH INSTITUTI**



“XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KASBIY TA'LIM MUASSASALARINING YANGI QIYOFASINI YARATISH VA KADRLAR TAYYORLASHNI SIFAT BOSQICHIGA OLIB CHIQISHNING MUAMMO VA YECHIMLARI” MAVZUSIDAGI

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN

Toshkent 2024



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**



**PROFESSIONAL TA’LIMNI RIVOJLANTIRISH
INSTITUTI**

**“XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA PROFESSIONAL
TA’LIM MUASSASALARINING YANGI QIYOFASINI
YARATISH VA KADRLAR TAYYORLASHNI SIFAT
BOSQICHIGA OLIB CHIQISHNING MUAMMO VA
YECHIMLARI”**

**mavzusidagi xalqaro ilmiy–amaliy anjuman
materiallari to‘plami**

**Сборник материалов
международной научно-практической конференции
«ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ СОЗДАНИЯ НОВОГО
ИМИДЖА УЧРЕЖДЕНИЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ПОДНЯТИЯ ПОДГОТОВКИ
ПЕРСОНАЛА НА КАЧЕСТВЕННЫЙ УРОВЕНЬ НА
ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА»**

**A collection of materials of the international
scientific and practical conference program on the topic of:
“PROBLEMS AND SOLUTIONS FOR CREATING A NEW IMAGE
OF VOCATIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS BASED ON
INTERNATIONAL EXPERIENCE AND RAISING PERSONNEL
TRAINING TO A QUALITY LEVEL”**

2024-yil 9–noyabr

TOSHKENT, 2024

“Xalqaro tajribalar asosida professional ta’lim muassasalarining yangi qiyofasini yaratish va kadrlar tayyorlashni sifat bosqichiga olib chiqishning muammo va yechimlari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari // Professional talimni rivojlantirish instituti. – T.: 2024, 872 bet.

Ushbu to‘plam “Xalqaro tajribalar asosida professional ta’lim muassasalarining yangi qiyofasini yaratish va kadrlar tayyorlashni sifat bosqichiga olib chiqishning muammo va yechimlari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallaridan tashkil topgan.

To‘plam materiallaridan mutaxassislar, olimlar, pedagoglar, professor-o‘qituvchilar, ilmiy izlanuvchilar, magistrantlar va talabalar foydalanishlari mumkin.

Mas’ul muharrirlar:

Z.Xudayberdiyev	Professional ta’limni rivojlantirish instituti direktori, i.f.d., professor;
D.Ro‘ziyev	Professional ta’limni rivojlantirish instituti direktor o‘rinbosari, t.f.n., dotsent;
B.Shoyqulov	Professional ta’limni rivojlantirish instituti direktor o‘rinbosari, t.f.n., dotsent;
S.Ashurova	Professional ta’limni rivojlantirish instituti bo‘lim boshlig‘i, p.f.d., professor.

Taqrizchi:

N.Karimova	Professional ta’limni rivojlantirish instituti professori, p.f.d.(DSc).
-------------------	---

Texnik muharrir

B.Nosirov	Professional ta’limni rivojlantirish instituti doktoranti.
------------------	--

Anjuman materiallarini tahrirdan o‘tkazish bo‘yicha tahririyat guruhi tarkibi

1. **B.Ergashev** Malaka oshirish va qayta tayyorlash fakulteti dekani, p.f.d.(DSc), dotsent;
2. **F.Mamarasulov** Ta’limda menejment kafedrası mudiri, PhD;
3. **N.Sirojiddinova** Innovatsion ta’lim texnologiyalari kafedrası mudiri, PhD;
4. **N.Roziqova** Personalni boshqarish kafedrası mudiri, PhD;
6. **I.Otaboyev** Katta ilmiy hodim – bosh mutaxassis, PhD;
7. **K.Umataliyeva** Katta ilmiy hodim – bosh mutaxassis, PhD, dotsent;
8. **G.Kadirova** Innovatsion ta’lim texnologiyalari kafedrası dotsenti, PhD.

Tashkiliy qo‘mita kotibi

S.Uralov	Professional ta’limni rivojlantirish instituti doktoranti
-----------------	---

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.

- улардаги зарур бўладиган функциялар ва ҳаракат имкониятларини оптимал ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлаш, яъни касбий амалий ва жисмоний тайёргарликни амалга ошириш;
- бўлажак мутахассисларда жисмоний тарбия билан мунтазам онгли шуғулланиш заруриятини ҳосил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимова, У., Казоқов, Р., & Холматов, Б. . (2024). ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР. Modern Science and Research, 3(12), 592–598. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/58427>
2. Алимов Қ.А. Узликсиз таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт// касб хунар таълими. №3, 2013, 19-бет.
3. Алимов Қ.А. Касб-хунар коллежларида касбга кўмакчи жисмоний тайёргарлик. Касб таълимнинг долзарб муаммолари. I- Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Термез «Интеллект», 2002, 46-47 бетлар.

ЁШЛАРНИ КАСБГА ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ МЕҲНАТ БОЗОРИДА УЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Машарипов Фаррух Ўткирович –
Профессional таълим интеграцияси бошқармаси бошлиғи

Аннотация. Ушбу тезисда ёшларни касбга ва хорижий тилларга ўқитиш орқали уларни меҳнат бозорида бандлигини таъминлаш тизими ёритиб берилган. Шу билан бирга ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ҳамда хорижий тилларни ўргатиш орқали уларнинг ўз ўрнини эгаллаш ҳамда замонавий корхоналарга ишга жойлаштириш бўйича имкониятлари имкониятлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Меҳнат бозори, касбга ўқитиш хорижий тилларни ўрганиш, касбий таълим ташкилотлари, малакали кадрлар, касбий кўникмалар марказлари, таълим муассасалари битирувчилари.

Республикада ёшларнинг хорижий тилларини ўрганиш ва касб эгаллашга бўлган қизиқишларини кўллаб-қувватлаш, уларни меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-158-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга асосан, 2025 йил 1 январдан бошлаб касбий таълим ташкилотларининг амалдаги турларини мақбуллаштириш ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ягона техникумлар тармоғини ташкил этилди.

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб техникумларда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда етакчи хорижий таълим ташкилотлари иштирокида тўлов-контракт асосидаги қўшма таълим дастурларини жорий қилиш, маҳаллий ва хорижий иш берувчилар билан тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқароларни қисқа муддатли касбга ўқитишга рухсат берилган.

Замон талабларига тез мослашиши учун техникумларнинг академик мустақиллигини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Ўқиш муддатлари ва давомийлигини касб мураккаблиги ва ўқувчининг таълим даражасига қараб белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Техникумларда таълим сифати ва жозибадорлигини ошириш мақсадида 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб халқаро таълим дастурлари йўлга қўйилади. Дастлаб, тажриба тариқасида, 14 та техникумда Англиянинг “ВТЕС” дастури жорий этилади. Битирувчиларга 70 та давлатда тан олинадиган диплом берилади ҳамда 200 дан ортиқ хорижий университетларга кириш имкони яратилиши белгиланди.

Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати, дунё бозорига фаол кириб бораётгани, барча соҳаларда халқаро ҳамкорлик кенгаяётгани боис ёшларда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Шу сабабли ёшларни касбга ва хорижий тилларга ўқитиш орқали меҳнат бозорида мавжуд иш ўринларига жойлаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Таълим соҳасидаги рақобатбардошликни ошириш масаласи бугунги кунда таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларнинг билим ва кўникмалари шаклланишида ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий ижтимоий-иқтисодий омил эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли, кўплаб олимлар томонидан таълим жараёнларини, унинг иқтисодиёт ва жамият тараққиёти билан ўзаро алоқадорлигини доимий тадқиқ қилиб келадилар.

Сўнгги йилларда республикамізда ёшларни касбга ва хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш, бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ва хорижий тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш борасида кенг имкониятлар яратилди.

Ёшларни касбга ва хорижий тилларга ўқитиш мақсадида Республикаміздаги 600 та техникумларда 353 мингдан ортиқ ёшлар 310 та касб ва мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

2024/2025 ўқув йилида касбий таълим ташкилотларига касб ўрганиш истагида бўлган 169 195 нафар умумтаълим ташкилотларининг 9 ва 11-синф битирувчилари ўқишга қабул қилинди.

Хусусий сектордаги ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш, дуал таълимни ташкил этиш ва касбий таълим ташкилотларида таълим сифати бўйича Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда 51 482 та хусусий сектордаги иш берувчилар орасида онлайн сўровнома ўтказилди.

Мамлакатимизда иш берувчиларнинг эҳтиёжлари асосида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш жараёнлари бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, иқтисодиётнинг барча соҳаларида малакали ва замонавий касбий кўникмаларга эга ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш, ёшларнинг касб ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини инобатга олиб, ўз касбий кўникмаларини ривожлантириш учун касбий таълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профessional таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сонли қарори билан дуал таълим шаклида ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари асосида ташкил этилаётган иш ўринларида ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжнинг янада ошиши натижасида касбий таълим ташкилотларида ташкилотларнинг буюртмалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 декабрдаги 647-сонли қарори билан йил давомида дуал таълим шаклида ўқитиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда 418 та касбий таълим ташкилотларида 7 677 та корхона ва ташкилотлар билан 30,8 минг нафар ўқувчилар (шундан 16 955 нафари қизлар) 114 та касблар бўйича дуал таълим шаклида касб ўрганмоқда. Таълим олаётган ўқувчиларнинг 16 964 нафари давлат гранти асосида таълим олмоқда.

Ушбу ўқувчиларга корхона ва ташкилотларнинг 7 789 нафар малакали мутахассислари “Устоз” сифатида бириктирилган.

Шунингдек, касбий таълим ташкилотлари битирувчиларини нафақат ички бозорда балки ташқи меҳнат бозорида тан олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Германиянинг Касбий таълим палатаси ва “Авестос” компанияси билан ҳамкорликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Шаҳрисабз шаҳри 1-сон касб-хунар мактабида “Био ва иншоотлар қурилиши” ва Ғузор туман 1-сон касб-хунар мактабида “Металлар технологияси” касблари бўйича немис стандартларига мос дастурлар асосида 64 нафар ўқувчилар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги Касбий кўникмалар марказларида 2024 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 75 та ишчи касблар бўйича 164 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизлар касбга ўқитилган.

Бундан ташқари, хорижий тиллар бўйича халқаро тил сертификатини олиш учун имтиҳондан юқори балл тўплаган ёшларга давлат томонидан харажат тўлиқ қоплаб берилиши тизими жорий этилди. Натижада, ўтган 3 йил ичида хорижий тилларни ўрганган ёшларга 40 миллиард сўм компенсация пули қоплаб берилди.

Ёшлар ўзлари танлаган йўналишнинг етук малакали мутахассиси бўлиши ҳамда халқаро меҳнат бозорига чиқиши учун хорижий тилларни пухта ўзлаштириши лозим. Тил ўрганиш ва ўқитиш борасида дунёнинг етук олимлари тажрибасида ҳамда ўқитиш методикалари, шунингдек, хорижий тилларни ўқитиш соҳасида “боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона” тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш, аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш сингари кўплаб салмоқли ишлар бажарилди.

Президентимиз ташаббуси билан бугунги кунда таълим муассасалари олдида тармоқлар ва ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини — инглиз, рус, немис, француз, хитой, корейс, япон, турк, араб, форс тилларини ўргатишни ташкиллаштиришдек долзарб масала кун тартибига қўйилган.

Республикамиздаги 207 нафар умумий ўрта таълим мактабларининг хорижий тилларга ихтисослаштирилиши муносабати билан мазкур мактабларда хорижий тилларни ўқитишни тубдан ислоҳ этиш ва такомиллаштириш учун олий таълим муассасалари қошида хорижий тилларни янада чуқурроқ ўрганиш учун ўқув марказлари ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2023 йилда 12 минг 400 га яқин ёшларга 21,7 миллиард сўмга яқин маблағ тўлаб берилди. Хорижий тилларни ўрганиш ёшларга янги маданият, билим ва янги дўстлар билан танишиш, мулоқотга киришиш ҳамда дунёқарашни ўстиришда ёрдам берувчи энг яхши восита ҳисобланади. Бугунги кунда дунёда тил ўрганувчиларнинг асосий қисмини 17-35 ёшдаги фуқаролар ташкил қилади.

Юртимизда хорижий тилларни чуқур ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш ҳамда ёшларни хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон умумий аҳолисининг **26,8 фоизини**, яъни 36,0 млн.дан 9,7 млн.ини ёшлар ташкил этади. Ўтган йили **380 минг нафар** мактаб битирувчисидан **180 минг нафари** таълимни техникум ёки олий таълим муассасасида давом эттираётган бўлсада, қолган **200 минг нафари** мустақил равишда иш қидириб, меҳнат бозорига кириб келмоқда.

Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак Республика бўйича 2022 йил якунига кўра бандлиги таъминланмаган ва **касбий тайёргарликдан ўтмаган ёшлар улуши 29,9 фоизни** ташкил этган. Бу эса бугунги кунда мамлакатимизда демографик дивиденддан самарали фойдаланмаслик муаммоси мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда бандлиги таъминланмаган ва касбий тайёргарликдан ўтмаган ёшлар улуши, фоизда



Бугунги кунда дунёда ёшлар орасида бандлиги таъминланмаган ва касбий тайёргарликдан ўтмаганларнинг улуши **23,3 фоизга** етган, бу эса сўнгги **15 йил ичида қузатилган энг юқори** кўрсаткич ҳисобланади. Экспертларнинг фикрича ушбу тоифадаги ёшларнинг бошдан кечириши мумкин бўлган психологик жароҳатлари, истикболда уларнинг имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши хавфи юқори.

Жаҳон Банкнинг "Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш" номли ҳисоботида қайд этилганидек, таълим муассасаларини битираётган 69 фоиз ёшларнинг иш тажрибаси ва зарур кўникмалари етишмаслиги сабабли ишлашга тайёр эмаслигини маълум қилган.

Хулоса ва таклифлар

Меҳнат бозори эҳтиёжи асосида ёшларни касбга ва хорижий тилларга ўқитишни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- Меҳнат бозорида аниқ талабдан келиб чиқиб, касб-ҳунарга ўқитиш давлат буюртмасини ҳудудий инвестиция дастурлари асосида яратилаётган иш ўринларини инобатга олган ҳолда шакллантириш;

- меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш учун бугун ва истикболда қандай мутахассисларни қанча миқдорда тайёрлаш кераклигини, замонавий корхоналарда меҳнат фаолияти олиб бориш лаёқатларига эга бўлиш учун улар қандай касбий билим ва кўникмаларга эга бўлишлари кераклигини аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- давлатнинг фаол бандлик сиёсати орқали, хусусий секторда ташкил этилаётган иш ўринларига ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорларга имтиёзлар бериш;

- ёшлар бандлиги самарадорлигини ошириш учун иқтисодий рағбатлардан, жумладан, ёшларни ишга жойлаштириш ва қабул қилиш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш қайта тайёрлаш бўйича хизматларини тақдим қилишдан корхоналарнинг манфаатдорлигини оширадиган солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланиш, ёшларни ишга қабул қилиш учун қўшимча квоталар ажратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-158-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профessional таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сонли қарори.

4. Қаландар Абдурахмонов – “Меҳнат иқтисодиёти” назария ва амалиёт дарслик. Иқтисодиёт нашриёти. Тошкент 2019 йил.

5. Б.Ганиев - “Ўзбекистонда хусусий секторда ишчи кучига бўлган талабнинг ҳолати ва унинг бандликни таъминлашдаги аҳамияти”. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали 2022 йил.

6. У.Байкабилов - “Замонавий таълим тизимида хорижий тилларни ўқитиш технологияси” 2022 йил май.

Интернет сайтлари

7. <https://www.lex.uz/uz> — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8. <https://mehnat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти.

9. <https://stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайти.

10. <https://edu.uz> — Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти.

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ОРҚАЛИ МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ахмедов Эргаш Кулдашевич
Ангрен университети Гуманитар ва
ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
Email: ahmedov.ergash@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кундаги маънавий таҳдидлардан бири бўлган миссионерлик ҳаракати, унинг миллий маънавиятимизга таъсири таҳлил қилинган, вайронкор секталарнинг глобаллашув жараёнларидаги маданий урушда миссионерлик ҳаракати орқали инсонлар ва жамият ҳаётига салбий таъсири очиқ берилган. Шунингдек, тоталитар секталар ўзларининг миссионерлик фаолиятида ҳали онги етарли даражада ривожланмаган ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларга катта эътибор қаратаётганлиги, уларнинг онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаш орқали маънавий жиҳатдан қарам қилишга интилиши хатарли тус олаётганлиги алоҳида таъкидланади. Ёшларнинг бундай секталар таъсирига тушиб қолишини олдини олишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни юқори эканлиги эътироф этилиб, ушбу фанларда миссионерлик таҳдидидан химояланиш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши кераклигитаклиф этилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, мафкуравий таҳдид, миссионерлик,секта, вайронкор секта, маънавий қарамлик,ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари.

Бугунги кунга келиб миллат ва унинг маънавиятини асраш умуминсоний муаммолардан бирига айланди. Глобаллашув жараёнлари натижасида инсоният кучли ғоявий, мафкуравий ва инфорацион таҳдидларга дуч келмоқда. Бундай таҳдидлардан бири бўлган миссионерлик ҳаракати ҳам глобаллашув шароитида жуда кенг имкониятларга эга бўлмоқда. Бугун ана шу таҳдидга қарши курашиш миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг

352	J.Raximov Pedagoglarda ijodkorlik kompetentligini rivojlantirish texnologiyalarini ishlash bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqish	870
353	D.D. Primov Innovatsion ta'lim texnologiyalari va metodlaridan o'quv mashg'ulotlaridan foydalanish	874
354	Sayfullayeva Ramziya Razzoq qizi Talabalarda media savodxonlikni oshirishning o'ziga xos xususiyatlari	878
355	Суюнов Маматкарим Уралович Жисмоний маданият ва спорт фани ўқитувчиларининг касбий педагогик билимларини ривожлантириш	880
356	Суюнов Маматкарим Уралович, Абдуллаев Киромиддин Ҳабибуллаевич Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда “Жисмоний маданият ва спорт” фанини ўқитишнинг ўзига хослиги	884
357	Машарипов Фаррух Ўткирович Ёшларни касбга ва хорижий тилларга ўқитиш орқали меҳнат бозорида уларнинг бандлигини таъминлаш	887
358	Ахмедов Эргаш Кулдашевич Ижтимоий-гуманитар фанлар орқали миссионерлик ҳаракатларига қарши курашиш имкониятлари	891

**“XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KASBIY
TA’LIM MUASSASALARINING YANGI
QIYOFASINI YARATISH VA KADRLAR
TAYYORLASHNI SIFAT BOSQICHIGA OLIB
CHIQISHNING MUAMMO VA YECHIMLARI”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari

to‘plami

